

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ 4908-209
2016 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг
2016 йил "6" сентябр даги
137 - сонли буйруғи билан
таъсис қилинган



“Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва
ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг
2016 йил 26.04.2016 даги № 8 - сонли баённомаси билан
маъқуллашган.

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”
модули: с.ф.д., проф., И.Эргашев, ю.ф.н., доц.,
В.Топилдиев.
“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”
модули: п.ф.д., проф., Н.А.Муслимов, п.ф.н.,
М.Т.Мирсолиева, п.ф.н., доц., М.Усманбаева, А.Нелимова.
“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация
технологияларини қўллаш” модули: ф.м.ф.н., доц.,
Х.Холматов, ф.м.ф.н., доц., Д.Иргалиева, кат. ўқит.,
В.Ҳамидов.
“Амалий хоржий тил” модули: Ўзбекистондаги
Британия Кенгашининг стажчи мутахассислари, кат. ўқит.,
У.Гиясова.
“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари”
модули: с.ф.д., проф., С.Жураев, ф.ф.д., проф., Р.Самаров,
п.ф.н., Х.М.Алимов.
Махсус факультет бўйича: Хоржий экспери проф. Кийонг Ук
Ким (Жанубий Корея), т.ф.н. доц. А.Камиллов, т.ф.н. доц.
Т.Абдиллаев, т.ф.н. доц. А.Обидов, катга ўқитувчи
М.Амонов.

Тақризчилар: ТДАУнинг “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедраси проф.,
т.ф.д. Б.Шаймардонов,
ТДАУнинг “Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш
ва техника сервисини ташкил этиш” кафедраси доц., т.ф.н.
Э.Фармонов.

Ўқув дастури Тошкент давлат аграр университетини Кенгашининг қарори билан
тасдиққа тавсия қилинган (2016 йил _____ даги _____ сонли баённома).

Қириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил
12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор
йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий
талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг
мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог
кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад
қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва
қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,
таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш,
амалий хоржий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус
фанлар негизини илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва
ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнги
йўтуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал
Интернет тармоғи, мултимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш
усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини
шақллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилган мавзулар таълим соҳаси бўйича
педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати
ва уларнинг тайёргарлигига қўйилган умумий малака талаблари ва ўқув
режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим
муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва
инновация технологиялари, илгор хоржий тажрибалардан самарали
фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига
кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини
ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам
юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини
ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек,
педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ
компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос
хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда
тишловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака
ҳамда компетенцияларига қўйилган талаблар такомиллаштирилиши
мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури куйидаги
модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

I.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият
ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Кишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илгор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологиялари қўллан

- 3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Кишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва масофавий таълим методлари.

IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тили ўрганишининг интениони усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Кишлоқ хўжалигида тизимли таҳлил.

VI. Махус фанлар

- 6.1. Кишлоқ хўжалиги мобил энергетик воситалари.
- 6.2. Кишлоқ хўжалигида технологиялар ва машиналар.
- 6.3. Кишлоқ хўжалигида техник тизимлар менежменти.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Қуренинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қуренинг мақсади педагог кадрларининг ўқув-тарбиявий жараёндарини тоқсан илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунгазам янгилаш, малака талабалари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Қуренинг вазифаларига қуйидагилар кирлади:

“Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуқсиз янгилаш ва ривожлантириш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Қурс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёртарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- кишлоқ хўжалигини механизациялашда мавжуд технология ва техник воситаларнинг намунавий турларини, технологик иш жараёнини;
- дехқончиликда тупроққа ишлов берувчи, экиш, ўғитлаш, ўсимликларга кимёвий ишлов бериш ва ўрим-йиғим машиналарини тузилиши ва ишлашини;
- чорвачиликни механизациялашда ва ем-хашак тайёрлашда ишлатиладиган машиналарни тузилиши ва ишлашини;
- кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган мобил энергетик воситалар ва двигателлар, транспорт воситаларини тузилиши ва ишлашини;
- давлат техника нозорати бўлимларида тракторлар ва ўзирорар бошқа машиналарни хисобга олиш ва техник кўрикдан ўтказиш тартибини;
- ривожланган хорижий мамлакатлар дехқончилигидаги илгор технологиялар, замонавий техникалар ривожланишининг асосий йўналишларини ва улардан фойдаланиш ҳамда мазкур машиналарнинг тузилиши ва иш жараёнини;
- мобил энергетик воситалар ва кишлоқ хўжалик машиналарини саклаш ва фойдаланишда техника хизматини ташкиллаштиришни *билиши керак*.

Тингловчи:

- кишлоқ хўжалигини механизациялашда техник воситаларни ва технологик иш жараёнларини танлаш;

- мобил энергетик воситалар ва двигателлар, кишлоқ хўжалик ва чорвачилик машиналари кўрсаткичларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- мобил энергетик воситалар ва двигателлар, кишлоқ хўжалик машиналарини синаш ва синов натижаларини таҳлил қилиш;
- мобил энергетик воситалар ва двигателлар, кишлоқ хўжалик машиналарида қўлланилган электрон тизимлардан фойдаланиб машина трактор агрегатлари техамкорлигини яхшилаш ва иш унумини ошириш;
- кишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган техникаларга техник хйзмат кўрсатиш ва сақлаш бўйича ишларни бажариш;
- табиий ишлаб чиқариш шaroитларини ҳисобга олган ҳолда тракторлар ва кишлоқ хўжалик машиналарини иш унумини ошириш ва харажатларни камайтириш мақсадда туғри танлаш *каби кўникмаларга эга бўлиши лозим.*

Тингловчи:

- мобил энергетик воситалар ва двигателлар, кишлоқ хўжалиги ва чорвачилик машиналарининг тизимлари иш сифатини аниқлаш ва ростлаш;
- ижодий фаолият асосида машиналарни ишлаштириш бўйича ва бозор иқтисодиёти шароитида кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий самара берадиган янги техник ечимларни яратиш;
- кишлоқ хўжалигида қўлланилаётган мобил энергетик воситалар, илгор технологиялар ва техник воситаларни лойиҳалаш асослари ва такомиллаштириш бўйича *малакаларига эга бўлиши зарур.*

Тингловчи:

- кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тегишли технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда компьютер дастурларидан фойдаланиш ва олинган натижаларни баҳолаш;
- кишлоқ хўжалик ва чорвачилик машиналари, тракторлар назарияси ва ҳисоби асосларини билиш;
- механизациялашган ишлаб чиқариш жараёшларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ва меҳнат ресурсларини режалаштириш;
- замонавий кишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;
- республикада ва хорижда кишлоқ хўжалиги механизациялаштириш соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва уларни таҳлил этиш;
- кишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаш бўйича *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ҳукув юкламаси ҳафтага 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив ҳукукий асослари

I.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим–тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгилаши жамият ривожланишининг муҳим омил сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаёдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – энгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанамизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожлантириш таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажакги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

I.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳукукий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳукукий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга кириштириш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий

малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасалари талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиб босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмунини, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга таъбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмунини. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахсларо муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентлиқни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шартлида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.2. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илгор хорижий тажрибалар.

Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илгор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илгор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар, кичик гуруҳларда жамао бўлиб ишлаш, компьютер симуляцияси ва дастурлардан фойдаланиш ва бошқ. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация - таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билиминини баҳолаш технологиялари.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойihalаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Zjupnet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, тарқиб, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойihalаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машгулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

3.2. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва масофавий таълим методлари.

Мультимедиянинг компонентлари. Мультимедиянинг бажарилиш шартлари. Мультимедиянинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда мультимедиянинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа сохалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Қишлоқ хўжалиги ва таълимга оид мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Қишлоқ хўжалиги электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиа маърузалар категориялари, мультимедиа дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга

ошириш bosқичлари. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар тахлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралик ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очик курслар (Coursea, edX, Khan Academy, MIT Open Course Ware).

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг ахамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигида). Тил ўрганишда ўқувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг ахамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга оид, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, озгаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли тахлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилнинг амалга ошириш. Тизимли тахлилни амалга оширишнинг асосий bosқичлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилни амалга ошириш методлари. Тизимли тахлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва

педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорларни ижросини таъминлаш механизми.

5.2. Қишлоқ хўжалигида тизимли тахлил.

Қишлоқ хўжалигида тизимли тахлил тушунчаси ва тамойиллар. Қишлоқ хўжалигида тизимли тахлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Қишлоқ хўжалик тизимининг хусусияти ва тузилмаси. Қишлоқ хўжалигида тизимли тахлил методологияси ва тизимли тахлилнинг йўналишлари. Тизимли услуб ва тизимли ёндашув. Қишлоқ хўжалигида аналитик тадқиқотлар асосида тизимли тахлилни ташкил этиш. Соҳада аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли тахлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли тахлили.

VI. Махсус фанлар

6.1. Қишлоқ хўжалиги мобил энергетик воситалари.

Қишлоқ хўжалигида мобил энергетик воситалар ва двигателларнинг роли. Мобил энергетик воситаларида қўлланиладиган двигателлар, уларнинг асосий механизм ва тизимлари. Двигателлар тузилишидаги ва тизимлар ишини бошқаришдаги янги конструкция ечимлар. Двигател цилиндрларига ҳавони босим билан, ростлаб ва совитиб киритиш, турбокомпрессорлар, ҳавони орлик совитгичлар. Common rail электрон ёнилги узатиш тизими, инжекторлар, цилиндрларга ёнилги берилишини бошқариш. Двигателларни янги турлари, уларда турли ёнилгилардан фойдаланиш, атмосферарага зарарли таъсирни камайтириш.

Мобил энергетик воситаларнинг трансмиссиялари, бошқариш механизми, юриш қисми, ишчи ва ёрдамчи жиҳозлари. Трактор тузилиши ва уни ишини бошқаришдаги янги конструкция ечимлар. Тракторлар ва бошқа ўзинорар машиналарда фойдаланилган замонавий гидравлик жиҳозлар уларнинг афзалликлари. Тракторларни агротехник кўрсаткичлари туپрокни зичлаштириш, агротехник тиркиш, қуваат олиш вали ва тиркама мосламаси.

Тракторлар ва двигателарни синовдан ўтказиш, уларнинг кўрсаткичларини ҳисоблашда ва ишлашини симуляция қилишда компьютер дастурларидан фойдаланиш. Мобил энергетик воситалар ва двигателларда фойдаланилган электрон тизимлар ва датчиклар (двигател қувватини оширувчи Power Boost, дифференциални блокировкадан чиқариш учун Tetralock, тракторни бурйлиб олишини оsonлаштириш учун Fast Steer ва бошқа тизимлар).

6.2. Қишлоқ хўжалигида технологиялар ва машиналар.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган илгор технологиялар ва техник воситалар, уларни танлаш ва техникаларни ишлатишда маҳаллий шароитларни эгиборга олиш. Туپроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор усуллари, машиналари, уларга қўйиладиган агротехник талаблар мазкур тадбирни бақаришда илгор технологиялар ва техник воситаларни қўллаш ҳолати. Экиш ва ўғитлаш машиналари. Ўсимликларни химоя усуллари, турлари, машиналар, қўлланиладиган замонавий воситалар. Хосилни йиғштиришда ишлатилаётган янги машиналар, технологик жараёнлари. Ишини баҳолаш.

Чорвачиликда технологик жараёнлар асослари, қўлланилаётган технология ва махсулот сифати орасидаги ўзаро мунособат. Чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёнларини лойихалаш асослари, чорвачиликда экологик масалалар, чорва фермаларида микроклим хосил қилиш. Ем хашак тайёрлаш машиналари.

Қишлоқ хўжалик ва чорвачилик машиналарида электрон тизимлар ва датчиклардан фойдаланиш. "Аниқ дехқончилик" (precision agriculture, точное земледелие) тизими. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликда фойдаланилган айрим замонавий механизациялаш ва автоматлаштириш тизимлари.

6.3. Қишлоқ хўжалиги техник тизимлари менежменти.

Қишлоқ хўжалик ва чорвачилик махсулотлари етиштиришда технологик жараёнларни механизациялаш учун машиналар тизимини танлаш ва шакллантириш принциплари. Харажатларни камайтириш ва юқори хосил олиш мақсадида трактор ва қишлоқ хўжалик машинасида ташкил толган техник тизимни тўғри танлаш, бошқариш ва оптималлаштириш. Ушбу масалани ҳал қилишдаги замонавий ёндашувлар ва дастурлар. Қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш технология ва техникалари, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини оптимал параметр ва энергия тежамкор режимларини замонавий математик усуллар ёрдамида асослаш. Машиналар тизимидан фойдаланишда унинг самардорлигини ошириш имкониятлари.

Давлат техника назорати бўлимларида тракторлар ва ўзинорар бошқа машиналарни ҳисобга олиш ва техник кўриқдан ўтказиш тартиби. Машиналар тизимига гарангили хизмат кўрсатиш ва техник сервиси, уни ташкил этиш. Машинанинг техник ҳолатини баҳолаш усуллари ва унда фойдаланиладиган жиҳозлар, янги техникаларни синовдан ўтказиш, техник меъёрларни белгилаш принциплари. Механизациялашган жараёнларни бақариш, иш ҳажми ҳамда ёкилғи-мойлаш махсулотларининг миқдорий сарфи меъёрларини аниқлаш.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари. Хорижий тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланишдаги айрим муаммолар.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий тахлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши ни тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавзулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва тахлил этиш;

- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард максалимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. И.А.Каримов. Юсак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008. – 176 б.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”. 2011. – 440 б.

5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, барқамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуқсиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуқсиз таълим тизимини дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлири талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагоглари танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқиниши кўчириш, қайта тиклаш ва ўқидан четлаштириш тартиби: тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июндаги 118-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тadbиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-таdbирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-таdbирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-таdbирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-таdbирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-таdbирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-таdbирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори.

23. Ўзбекистон кишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш жараёнларини 2020 йилгача комплекс ривожлантиришнинг умумий концепциялари. – Т., 2001.- Б. 8-9.

24. Асосий кишлоқ хўжалиги эканларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2010-2015 й.й., – Т.: Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. – 2010, I ва II қисмлар.

III. Махсуус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. – Т.: 2000. – 218 б.

3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саттаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-ўқувчи мажмуа. Basic User/Breakthrough Level A1//Т.: 2011. – 182 б.

4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истердод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истердод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

6. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.

7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.

8. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализм: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

9. Шоумарова М., Абдиллаев Т. Кишлоқ хўжалиги машиналари. Тошкент, «Ўқитувчи», 2009. – 220 б.

10. Wenner H.L. Landtechnik. Germany 1998

11. Heege H.J. Precision in Crop Farming - Site-specific Concepts and Sensing Methods. 2013

12. Petre Miu. Combine Harvesters: Theory, Modeling and Design. USA 2015

13. Сувоңқулов Ш. ва бошқ. Чорвачиликни механизациялаштириш ва автоматлаштириш. Самарқанд. - 2014

14. Sambras H.N. und Steiger A. Das Buch vom Tierschutz. Germany, 1997

15. Салихов И. Трактор ва автомобиллар. Т., 2012

16. Goering C.E., Stone M.L., Smith D.W., Turnquist P.K. Off road vehicle engineering principles. ASAE, USA 2006
17. Goering C.E., Hansen A.C. Engine and Tractor Power. USA 2004
18. Auerhammer H. Elektronik in Traktoren und Maschinen. Germany 1989
19. Hunt. Farm Power and Machinery Management. Tenth edition, USA 2015
20. Ташболтаев М.Т. Машина-трактор агрегатлари: иш унимини оширишнинг назарий ва амалий принциплари. Т. - 2015
21. Обидов А. Машина-трактор паркидан фойдаланиш. Т., "Тафаккур каноти" 2013. – 200 б.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.aci.uz.
3. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
4. [www. Ziyou.net](http://www.Ziyou.net). uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en>.
7. <http://learnenglish teens.britishcouncil.org>.
8. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en>.
9. www.agro.uz

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини янги йўналишда оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

Директор У.Ш.Бегимкулов

201 й.

м.ў.



Тошкент давлат аграр университети хузуридаги педагог кадрлар қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Директор С.С.Ғуломов

201 й.

м.ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги "Олий таълим муассасалари кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси"

Бошлиғи Х.Х.Ҳамидов

201 й.

м.ў.

